Товар (махсулот) етказиб беришга

# Ш А Р Т Н О М А

**«13» 01 2022 йил. № 04/2022 Наманган шахри**

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи "Кислород-Озон" ишлаб-чиқариш корхонаси номидан рахбари З.С.Ибрагимов (Матнда кейинги ўринларда "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб юритилувчи) бир томондан ва кейинчалик "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" деб юритилувчи Вилоят юқумли кас. шифохона номидан бюджет ташкилоти рахбари И. Тожибоев иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" га кислород (кейинги ўринларда – "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" деб юритилади) етказиб бериш, "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" эса уларни қабул қилади ва қийматини тўла тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"ТОВАР (МАХСУЛОТ)"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи, шунингдек етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган иловада келтирилган.

## 2. ТОВАР (МАХСУЛОТ) НИНГ СИФАТИ.

2.1. "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" етказиб бериладиган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлишини хамда махсулотнинг сифат ёки тахлил (текшириш) баёнлари билан таъминлайди.
2.2. Етказиб бериладиган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" учун амалдаги тартибда белгиланган муддатга кафолат берилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"нинг хуқуқлари:
а) "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
б) "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" дан азкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" етказиб берилишини талаб қилиш;
в) Зарур сифатга эга бўлмаган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" шунга ўхшаш "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" билан алмаштирилишини;
г) Камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
д) Бахосининг мутаносиб тарзда ўзгартирилишини талаб қилиш;
е) Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки керакли даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" дан талаб қилиш;
ж) Махсулотни етказиб бериш муддати [illegible] кун.
3.2. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" нинг мажбуриятлари:
а) Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
б) "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" га юк хатида белгиланган ва кўрсатилган нарх бўйича махсулотни олган пайтидан бошлаб, 30 кун мобайнида тўлиқ хақ тўлаш.
3.3. "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" қуйидаги хуқуқларга эга:

а) Етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" учун олдиндан 30 % хақ тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилинишини "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" дан талаб қилиш;

б) Берилган буюртманомага мувфиқ етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" ни кабул қилиш, асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" дан талаб қилиш.

3.4. "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" қуйидагиларга мажбур:

а) "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" га "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" нинг буюртмасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;

б) Агар "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" ни етказиб бериш жараёнида "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни 5 кун муддатда бартараф этади.

3.5. "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" шартномада кўрсатилган қуйидаги хажмда "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"га бериладиган муддатда келишилган нархда кислород махсулотини беради. Бир дона баллондаги кислород хажми – 6 метр куб. Бир метр куб кислород нархи – 8050 сўм. Бир дона баллондаги кислород киймати – 48 300 сўм. ККС билан

| Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Хар ойда етказиб бериш миқдори | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| Тиббиёт кислороди | Метр куб | 12425 | 12425 | - | - | - | - | - | - | | | | | |

## 4. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Мазкур шартноманинг умумий бахоси 100 021250 сўм сўмни ташкил этади.

4.2. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"олинадиган товар (иш, хизмат)ларга тузилган бош келишув шартномасига мувофиқ харажатлар сметаси хамда харажатлар тўлови рухсатномаси доирасида қўшимча алохида "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" билан хар ой учун шартнома тузилади ва белгиланган тартибда тўловларни амалга оширади.

4.3. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" олинадиган махсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" хисоб рақамига ўтказиб беради.

4.4. "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 3 кун муддатда махсулотларни "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" га етказиб беради.

4.5. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" тақдим этилган хужжатларга асосан 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил хисоб-китоб қилинади.

4.6. "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" лар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда хисоб-китоб қилинади.

4.7. Махсулот нархи келишилган нархда, бироқ ёнилғи мой махсулоти, электр энергия ва сув нархлари ўзгаришига караб, амалга оширилади.

## 5. ШАРТНОМАНИНГ БЖАРИЛИШИ.

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида белгиланган холлар бундан мустасно.

5.3. "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" қабул қилиш – топшириш юк хужжатлари расмийлаштирилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана хисобланади.

Хисоб-китоб хужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" га хақ тўлаш бўйича "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" мажбуриятлари бажарилган сана хисобланади.

5.4. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" ни розилиги билан "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" томонидан қабул қилинган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" хисобига хақ тўланади ва улар хисобига ўтказилади.
5.5. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" муддатлар бузилган холда етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" ни қбул қилишни рад этишга хақлидир.
5.6. назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди а етказиб берилмаган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" етказиб бериш "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган холлар бундан мустасно.
5..7. Етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" бевосита "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" нинг масъул ходими т омонидан юк хати бўйича қабул қилади. Юк хатида етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" миқдори, нархи ва умумий бахоси кўрсатилади.
5.8. Мазкур шартномада назарда тутилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" етказиб бериш шартномага мувофиқ ёки "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" нинг ёзма шартномасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда шартнома кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Буюртма номи "ТОВАР (МАХСУЛОТ)"нинг тегишли туркумларини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин вакил орқали ёзма тарзда берилади. Буюртманомани вакил оркли қабул қилишда "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"нинг ходимини "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"да қоладиган нусхага санани кўрсатган холда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
5.9. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" илгари берилган шартномани бекор қилишга ёхуд "ТОВАР (МАХСУЛОТ)"нинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақлидир. Бу хақда "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"ни буртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 екн олдин хабардор қилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Томонлар ўртасида келишилган жадвал бўйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб қолганлиги учун айбдор томон бекор туриб қолганлик билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлайди. Бекор туриб қолиш вақти томонлар ўртасида имзоланган далолатомага мувофиқ расмийлаштирилади.
6.2. Етказиб берилаётган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" сифати ва миқдори "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" томонидан ноғтўғри ниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши аниқланган тақдирда "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" етказиб беерiётган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" нинг сифатини шунингдек уларнинг миқдорини хисобга лган холда қйта хисоб-китоб қилди.
6.3. Агар етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" нинг сифати ассортиментда навлари, стандарт техник шартларига, алабларига, наъмуналарига (эталнларига) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" қийматининг 3 % миқдорида жарима тўлайди.
6.4. "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" етказиб бериш бйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши сабабсиз ёзма рад этилганлиги учун "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" га бгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" нинг 0,1 % миқдорида жарима тўлайди.
6.5. "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" ни еказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган таақдирда "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бундай пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.
6.6. Етказиб берилган "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" учун ўз вақтида хақ тўламаганда "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" га муддати ечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.
6.7. "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" томонидан тегиши шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада шартнома бажарилмаганлиги учун "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ" ни жавобгарликга тортишдан, шунингдек, унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"

томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" томонидан копланади.
6.8. мазкур шартномада назара тутилмаган томонларнинг жавобгариги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланади.

## 7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда томонлар коидага кўра мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
7.2. томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат этишга хаклидир.

## 8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Форс-мажр холатларида жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар , шунингдек Ўзбекистон республикаси хукумати томонидан янги конун ва карорларни кабул килиниши натижасида келиб чикадиган холларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш маъсулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.
8.2. Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлик тгалланган такдирда тўхтатилади.

## 9. ФОРС-МАЖОР.

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувиа кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида килиниши мумкин.
9.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга тайинланган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.
9.3.Мазкур шартнома икки нусхада тузилади ва газначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
9.4. Шартноманинг амал килиш муддати 31.12.2022 йилгача.

## 10. *Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:*

| **"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"** | **"БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ"** |
|---|---|
| "Кисород-Озон" ишлаб-чикариш корхонаси | |
| Манзил: Наманган ш., М.Поляков-19. | Вилоят юкумли кас. шифох |
| Х/р: 20208000900306736001. МФО: 01113 | Ж. Отамирзоев к 90 уй |
| «InFinBank» АТБ Наманган вилоят филиали | 100021860144017074100540083 |
| ИНН: 200054505. ОКОНХ: 13116. | ини 200056218 |
| Телефонлар: (+99891) 354-54-84 | Уз Рес. МВ Тазначилиги |
| **Директор:** ____________ **З.С.Ибрагимов** | Бош вр ____________ И. Тожибоев |
| **Юрист:** ____________ **А. Ибрагимов** | **Юрист:** ____________ Н. Тўхтамирзоев |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestrdagi tartib raqami - 00513 № 513

2004 yil «23» aprel

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs

**«KISLOROD OZON» ishlab chiqarish korhonasi**

ga berilgan.

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy huquqiy shakli: | THSH (ОПФ) | 1 0 1 0 |
| Mulkchilik shakli: | MSH (ФС) | 1 1 4 |
| Pochta manzili: | MHOBT (СОАТО) | 1 7 1 4 4 0 1 |
| Yuridik shaxs kodi: | KTUT (ОКПО) | 1 5 3 9 3 0 7 0 |
| Tarmoq kodi | XXTUT (ОКОНХ) | 1 3 1 1 6 |
| Solig to'lovchining identifikasiya raqami | STIR(ИНН) | 2 0 0 0 5 4 5 0 5 |

Qo'shimcha ma'lumotlar

«TILAK» jamoa kichik korhonasi negizida

Vakolatli organ rahbari

"УТВЕРЖДАЮ"
"Кислород-Озон" ИЧК директори:
______________З.С.Ибрагимов
" 1 " январь 2022 йил.

# КАЛЬКУЛЯЦИЯ

*Кислород: 1 метр куб*
*(сум, тийин)*

| № | *Статьи затрат* | *Сумма* |
|---|---|---|
| 1 | Сырье и материалы | 263,88 |
| 2 | Покупные изделия, полуфабрикаты и услуги кооперативных предприятий | 819,01 |
| 3 | Транспортно-заготовительные расходы | 167,88 |
| 4 | Отходы возвратные | |
| 5 | Всего за вычетом отходов | 1250,77 |
| 6 | Основная зарплата производственных рабочих | 850,12 |
| 7 | Дополнительная зарплата произв. Рабочих | 200,14 |
| 8 | Отчисления на соцстрах с зарплаты произв. Рабочих | 183,17 |
| 9 | Расходы на подготовку и освоение производства | 299,18 |
| 10 | Возмещение износа инструмента и приспособлений целевого назначения и прочие специальные расходы | 835,05 |
| 11 | Расходы по содержанию и эксплуатации оборудования | 889,77 |
| 12 | Цеховые расходы | 906,62 |
| 13 | Общезаводские расходы | 684,19 |
| 13а | Прочие производственные расходы | 64,11 |
| 14 | Итого заводская себестоимость | 6163,12 |
| 15 | Внепроизводственные расходы | 836,88 |
| 16 | Полная себестоимость: Всего | 7000 |
| 17 | НДС | 1050 |
| 18 | Оптовая цена | **8050** |
| 19 | Выпуск в натуре | |
| | | |

Главный бухгалтер:
______________А.Абдураимов